



ҚАРОР

Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Маркази Самарқанд вилояти бошқармаси “Жума элеватори” очик акциядорлик жамиятининг 2009 йил 28 январдаги 51 -сонли хатига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2009 йил 30 августда №2000- рақам билан рўйхатга олинган «Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш» Қоидаларининг 100- банди талабларига мувофиқ

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. “Жума элеватори” очик акциядорлик жамияти кузатув кенгашининг 2009 йил 23 декабрдаги мажлиси қарорига асосан жамият устав фондига аввал чиқарилган умумий қиймати 77125000 сўмлик номинал қиймати 1000 сўмдан бўлган 77125 дона эгаси ёзилган оддий акциялари умумий қиймати 609287500 сўмлик номинал қиймати 7900 сўмдан бўлган 77125 дона эгаси ёзилган оддий акцияларга айирбошланиши муносабати билан жамият устав фондига аввал чиқарилган акциялари чиқарилувини бекор қилиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин:

- “Жума элеватори” очик акциядорлик жамиятининг 2009 йил 28 январдаги 51 -сонли хати;

- «Жума элеватори» очик акциядорлик жамиятининг Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Маркази Самарқанд вилоят ҳудудий бўлими томонидан 1998 йил 28 июлда 08-1-0045/КК рақам билан, 2000 йил 30 декабрда Н0083 рақам билан, 2003 йил 23 сентябрда RU103Н0083Т3 рақам билан ҳамда Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Маркази Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан RU104Н0083Т7 рақам билан давлат рўйхатига олинган эмиссия рисоалари асли

2. “Жума элеватори” очик акциядорлик жамиятининг устав фондига аввал чиқарилган умумий қиймати 77125000 сўмлик номинал қиймати

1000 сўмдан бўлган 77125 дона эгаси ёзилган оддий акциялари ҳамда ушбу акцияларга берилган давлат рўйхат рақамлари бекор қилинсин.

3. Мазкур қарорнинг бир нусхаси маълумотлар базасига ўзгартириш киритиш учун Қимматли қоғозларнинг Давлат Марказий депозитарийсига юборилсин ва бир нусхаси “Жума элеватори” очик акциядорлик жамиятига тақдим этилсин.

4. Ушбу қарор ижросини сифатли ва ўз вақтида таъминлаш вазифаси бошқарманинг (0,5 ставка) бош мутахассиси С.Махмараимов зиммасига юклатилсин.

Бошқарма бошлиғи

Ижрочи: С.Махмараимов
Тел: (8366) 233-16-49



Н.Жўлматов